ЎСМИРЛАР СУИЦИДАЛ ХУЛҚ-АТВОРИ ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОРРЕКЦИЯСИ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ

Т.Г.СУЛЕЙМАНОВА, Г.АБДУНАЗАРОВА

В статье анализируются основные пути оптимизации психодиагностики и психокоррекции суицидального поведения подростков.

The article studies the main ways of optimization of the process of diagnostics of suicidal and psychological behavior of teen-agers and their psycho correction.

Кенг доирадаги психологик диагностика ва коррекция методларининг мавжудлиги жамиятда суицидал тенденцияларнинг ўсиши ва инқирозли вазиятларга сабаб бўлувчи ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ва оқибатда ижтимоий мослашувчанлик даражасининг пасайишига олиб келувчи суицидал хулқ-атворнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш манфаатлари йўлида ўсмирлар билан ишлашнинг маълум бир методикаларини самарали қўллаш ва оптималлаштиришни ниҳоятда муҳим муаммолар сирасига киритади.

Оптималлаштириш, яъни мавжуд йўллардан энг мақбулини танлаш муаммоси ҳар қандай сифатли профессионал йўналиш ва ижтимоий фаолият тузилмасида зарурият ҳисобланади.

«Мақсадга мувофиқлик», «мақсадга йўналганлик», «мақсад» категориялари тўғридан-тўғри ва бевосита инсоний, ижтимоий шартлашган фаолиятнинг ўзига хос соҳасига тегишлилиги эканлиги тушунарли.

Бир томондан, оптималлашувнинг математик жиҳатдан қатъий белгиланган тушунчаси мавжуд. Бундай функциянинг охирги аҳамияти математик жиҳатдан экстремал сифатида изоҳланади ва бошқарув параметрларининг мос тўплами эса оптимал саналади. Ушбу ҳолатга эришув оптимум сифатида характерланади. Оптималлашувнинг математик модели қимматини унинг аниқ миқдорий математик методлар қўлланилишига имкон бериши ташкил этади. Камчилиги эса у ушбу тушунчанинг кўп тармоқли қирралари, соҳа ва томонларини очиб бермайди.

Иккинчи томондан, оптималлашув кўп ҳолларда энг яхши натижаларга эга бўлиш сифатида изоҳланиб, бунда «оптимал» тушунчасини «энг маъқул»ёки «энг рационал» сифатида изоҳлаш тавсия этилади.

Хусусан, Я.З.Цыпкин ёзади: “Ҳар қандай нисбатан асосланган хулоса, ҳаракат ва яратилган ускуна қайсидир нуқтаи назардан оптимал сифатида кўрилиши мумкин.Чунки биз уларни ўзга хулоса, ҳаракат ва ускуналардан афзал кўрдик, яъни энг яхши деб ҳисобладик” [8]. Шунга ўхшаш нуқтаи назарни В.С.Болтянский, Л.С.Понтрягин, А.А.Фельдбаумлар ҳам билдириб ўтишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, келтирилган барча муаллифларнинг ишларида оптималлик рационалликнинг эквиваленти сифатида қатъий бўлмаган ва ноаниқ тушунчаси мувофиқлик, мақбуллик билан таққослаб кўрилмайди ва расмийлашган қатъий математик тушунчаси билан мужассамлашади. Улар ўртасида оптималликнинг математик қатъий тушунчасидан то ноаниқ тушунчасигача бўлган «яхши-ёмон», «каттакичик» атамаларида акс этган барча аломатлари жойлашган икки мусбат, чекка нуқталари ҳисобланади. Бу кўринишдаги фарқларга бир-биридан оптималлашувга зарурат сезган тизим ҳолати ҳақида бирламчи мукаммал ахборотлар билан ажралиб турувчи оптималлашувнинг маълум моделини тавсифловчи «детерминациялашган оптималлашув», «ўртача оптималлашув», «локал (муайян ҳудуд) оптималлашув» каби тушунчалар киритилади.

Одатда ахборотнинг қуйидаги уч даражаси ажратилади:

Биринчи даража аниқ ўлчамларда ифодаланган барча бирламчи ахборотнинг мавжудлиги, яъни тўлақонлик билан тавсифланади. Бундай даража, одатда, детерминациялашган даража сифатида номланади. Бундай ҳолатда хулосанинг оптималлиги мақсадли функциянинг максимал ёки минимал аҳамиятининг долзарблашуви сифатида сўзма-сўз, яъни математик қатъийликда айнан тушунилади.

Иккинчи даража, одатда, схоластик ёки тахминий номланиб, нотўлиқ ноаниқлик (ёки нотўлиқ аниқлик), яъни тасодифий олдиндан маълум бўлмаган ўлчамларни ўзида акс эттирувчи бирламчи ахборотнинг мавжудлиги, бироқ уларнинг тақсимланиш қонунияти маълум ёки у ёки бу тарзда қўлга киритилиши мумкинлиги билан тавсифланади.

Учинчи даража ноаниқликда бирламчи ахборот тасодифий ўлчамларда акс этиб, уларнинг тақсимланиш қонунияти маълум эмас ёки бундайлар умуман мавжуд эмас [3,5].

Бундай нафақат ҳисоблаш, таҳлил этиш, балки концептуал нуқтаи назардан ҳам нисбатан мураккаб, таъкидлаш лозимки, кенг тарқалган ҳолатда оптималлашувнинг вазифаси қуйидаги кўринишда таърифланиши мумкин: берилган шарт (чеклаш)ларда, номаълум (ноаниқликда) бўлган омилларни инобатга олган ҳолда самаралилик кўрсаткичини максимум даражага йўналтириш имкониятини таъминловчи тўхтам элементи (бошқарув параметри)ни топиш. Бундай оптималлик локал деб номланади

А.Ф.Волков таъкидлаганидек, “Муҳими, фақатгина детерминантлик даражасида ҳам қатъий математик маънодаги аниқ оптималликка эга бўлиш мумкин. Тахминий даража тушунча аниқлигининг маълум даражада йўқотилишига олиб келиб, «ўртача оптималлашув» сифатида таснифланади. Ноаниқлик даражаси эса янада кўпроқ йўқотишларга олиб келиб, бу ерда ноаниқлик қанчалик кўп бўлса, йўқотилиш даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Шу билан бирга ноаниқликнинг баъзи даражасида материалистик идрок этиладиган интуиция, тажриба, билим, ўхшаш вазиятлар билан танишликка асосланган ҳолда оптималликни аниқлашда формал методлардан фойдаланиш орқали эга бўлинмаган даражасига эришиш мумкин» [7].

Бу эса дастлабки математик асосларсиз қабул қилинадиган, тахминий ҳисобларга асосланган «рационал», «ақлли» қарорларни маълум бир кенг маънода оптимал, математик ҳисоблар асосида «ўртача оптимал», «локал оптимал» қарорларни эса «рационал», «ақлли» деб ҳисоблаш ҳуқуқини беради.

Шуни инобатга олиш лозимки, айнан мана шундай кенг маъноли, қатъий математик бўлмаган оптималлик тушунчаси мутахассислар томонидан бугунги кунда замонавий фан ва амалиёт олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлган мураккаб ижтимоий тизимлар ва жараёнларни бошқаришни оптималлаштириш муаммосини ечишда кенг қўлланилмоқда. Айнан мазкур маънода қўлланилаётган тушунча амалиётнинг эҳтиёжларига кўпроқ жавоб бериб, бундан келиб чиқадики, у кўпроқ назарий билиш, эвристик ва амалий қимматга эга бўлади.

Диагностика-коррекция фаолиятининг юқори самаралилигига қуйидаги талаблар бажарилгандагина эришилади:

- психодиагностика ва психокоррекция методлари, мезонлари ва тамойилларига илмий асосланганда;
- диагностика-коррекция тадбирларини ташкил этувчи, таъминловчи ва назорат қилувчи органлар мавжудлигида;
- фаолият маълум кетма-кетликка (босқичлиликка) эга бўлганида;
- диагностика-коррекция тадбирлари тўғри ташкил этилганида.

Суицидал хулқ-атворнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси тадбирларини амалга оширишда ўқитувчи, психолог, ота-она ижтимоий хизмат ходимларининг тезкор ва сифатли профессионал ёрдами кўрсатиши талаб қилинади.

Бундан келиб чиқадики, мазкур ҳолатдаги оптималлашувнинг мақсадини психологик диагностикага сарфланадиган вақтни қисқартириш, юқори ишончли бўлган методикаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш орқали суицидал хулқ-атвор психологик коррекциясининг сифатини ошириш ташкил этади. Оптималлашувнинг мезонини эса ўсмирлар ҳолатининг суицидал хулқ-атвор психологик диагностикаси ва коррекцияси тадбирларининг қўлланилиши жараёнидаги ўзгаришлар кўрсаткичи ташкил этади. Психологик коррекциянинг синов (апробация)дан ўтган курси, суицидал ўсмирлар билан индивидуал ва гуруҳий тарзда ишлашда шахсда ижобий ўзгаришларни ҳосил қилдириш ва суицидал мақсадларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Амбрумова А. Г., Тихоненко В. А. Диагностика суицидального поведения.- М.: Минздрав, 1990. - 106 с.
2. Амбрумова А.Г. Психология самоубийства // Социальная и клиническая психиатрия. – Москва, 1996. Т.6. – вып. 4. – С.14-20.
3. Бекоева Д.Д. Психология отклоняющегося поведения детей и подростков. – М., 1997. – 179 с.
4. Васильченко М.В. Психологическое сопровождение подростков группы риска, склонных к кризисным состояниям и суицидальному поведению: Автореф. дисс. ... канд.психол. наук.- Ставрополь, 2009.
5. Воронков Б.В. Особенности психических отклонений у подростков: Лекции.- СПб.: ППМИ, 1993. - 56 с.
6. Имамвердиева М.Н. Психологические особенности формирования суицидального поведения: Автореф. дисс. … канд. психол. наук. – Баку, 2002. – 19 с.
7. Козлов В., Бубеев Ю. Измененные состояния сознания: психология и физиология.- М., 1997.- 47с.
8. Кондратенко В.Т, Донской Д.И., Игумнов С.А. Общая психотерапия.- М., 2003. - 458 с.

Андижон давлат университети,
2012 йил 12 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Х.Сафаев)